# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 15 декабрь, № 267 (8610) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## АВТОМОБИЛСОЗЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 14 декабрь куни автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида бу саноат тармоқлари изчил модернизация қилинмоқда. Логистикадаги қийинчиликларга қарамасдан, сўнгги йилларда автомобиль ишлаб чиқариш 3 баробар кўпайиб, жорий йил якунида 415 минг донага етиши кутилмоқда. Соҳада давлат монополиясини йўқ қилиш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида 3 та янги хусусий корхона ва нуфузли хорижий брендлар жалб этилди. Бугун юртимиздаги 8 та заводда ўнлаб турдаги автомобиллар, юк ва йўловчи ташиш транспортлари, қишлоқ хўжалиги ва махсус техникалар ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, бу соҳада 2 мингдан зиёд корхоналар яхлит кооперация тармоғига боғланди ва 50 фоиз маҳаллийлаштириш таъминланди.

Шу билан бирга, бозорда талаб ҳали ҳам юқори. Ҳам ташқи, ҳам ички бозорда автозаводлар ўртасида рақобат кучаймоқда. Энди "Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти ҳам маҳсулотлар моделини кенгайтириб, сифатини яхшилаш, таннархни камайтириб, рақобат муҳитида ишлашга ўтиши зарур.

Тақдимотда шу борадаги чора-тадбирлар, тармоқ олдидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Хусусан, мамлакатимизда енгил автомобиль ишлаб чиқаришни 2030 йилгача 1 миллион донага етказиш мақсад қилинган. Йиғилишда бу борада 2024 йилда амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари "Ўзавтосаноат"ни трансформация қилишни жадаллаштириш, харажатларни камайтириш лозимлигини таъкидлади.

Маълумки, бугунги кунда жаҳондаги етакчи автозаводлар электромобиль ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Мамлакатимиз саноатчилари ҳам тезроқ бу йўналишни ўзлаштириб, замон талабига мослашмаса, келгусида бозорда ўрин топиши янада қийин бўлади.

Бу борада илк лойиҳалар бошланган. Келгуси йилда шундай завод ишга туширилиб, 10 мингта электромобиль ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Президентимиз бу йўналишга алоҳида эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлаб, тармоқ корхоналарида электромобиллар учун бутловчи қисмлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида бу йил 3 минг 500 донадан ортиқ техника ишлаб чиқарилган. 2030 йилгача бу миқдорни йилига 16 минг донага етказиш мўлжалланган.

Бу йил Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластери ташкил этилди. У йилига 15 минг дона трактор, тиркама ва бошқа техникалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин уларни сотиш тизими замон талабларига мос келмаяпти.

Шу боис маҳаллий техника харидини қўллаб-қувватлашни кенгайтириш, кластер ва фермерларни жалб этиб, бу борада буюртмалар шакллантириш зарурлиги таъкидланди ва қўшимча чоралар белгиланди. Миллий тракторни маҳаллийлаштириш даражасини 35 фоизга, осма техника ва тиркамаларни ўртача 60 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

**ЎзА.**

## ИННОВАЦИЯ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

*Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзланган ҳолда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар тизимда салмоқли натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Айни чоғда қулай агробизнес муҳитини яратиш, бу борада инвестициявий жозибадорликни ошириш, соҳани саноатлаштириш масаласига устувор аҳамият қаратиляпти. Бунга ҳамоҳанг равишда деҳқон ва фермерларимиз илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳолда кўп йиллик билим ва тажрибалари билан соҳа тараққиёти учун азму шижоат кўрсатаётгани таҳсинга сазовор.*

**Муносабат**

Юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси бу йил ҳам турли қийинчиликларга дуч келганига барчамиз гувоҳмиз. Лекин мавжуд муаммоларга қарамасдан, барча тармоқда мўл ҳосил етиштирилиб, аввалги йиллардагига нисбатан юқори марраларга эришилди.

Бу — жорий йил мамлакатимизда илк бор 8 млн. 200 минг тонна ғалла, 3 млн. 800 минг тонна пахта, 15 млн. тоннадан ортиқ сабзавот ва полиз, 5 млн. тонна мева ва узум, 4 млн. тонна картошка, 26 минг тонна пилла етиштирилгани мисолида ҳам яққол намоён.

Президентимизнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида қайд этилганидек, "...ҳозирги ўта мураккаб иқлим шароитида кўплаб синов ва қийинчиликларга қарамасдан ердан мўл ҳосил етиштириш — бу чинакам жасорат ва матонат намунасидир".

Дарҳақиқат, бугунги мураккаб иқлим ва кучли рақобат шароитида қишлоқ хўжалиги тизимида янгича ёндашув, инновация ва илғор ишланмаларни, интенсив ва ресурс тежайдиган технологияларни изчил татбиқ этишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Кейинги пайтда бутун дунёда бўлгани каби минтақамизда ҳам юз бераётган иқлим ўзгаришлари, сув ресурсларининг тобора тақчил бўлиб бораётгани, экологик муаммолар соҳада илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш нақадар долзарб эканини кўрсатмоқда. Ана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва инновацион технологияларни қўллаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, экспорт географиясини кенгайтиришдек устувор масалаларда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларига асосланган, бошқарувнинг мутлақо замонавий шакли бўлган кластер тизими жорий этилгани амалда ўзини тўла оқлади. Ушбу инновацион тизим аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим воситасига, қишлоқ аҳолисининг кафолатли даромад манбаига айланиб бормоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда асосий эътибор сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни фаол жорий этиш, хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг асосийси, деҳқон ва фермерларнинг оғирини енгил қилишга қаратилмоқда. Шу мақсадда юртимизда 800 дан зиёд агрокластерлар ташкил этилди. Бугунги кунда пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавот маҳсулотларининг 60 фоиздан кўпи айнан улар томонидан етиштирилаётир. Агрокластерлар қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, соҳани саноатлаштириш, маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш, пировардида четга хомашё эмас, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот чиқариш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби вазифаларни самарали амалга оширмоқда. Натижада биргина пахтачиликда толани қайта ишлаш кўрсаткичи 2,5 баравар ошди. Ҳосилнинг 100 фоизи мамлакатимизда қайта ишланиши туфайли калава ип ишлаб чиқариш 2 бараварга, тайёр маҳсулот ҳажми 3 бараварга ортди. Бу борадаги йиллик экспорт миқдори қарийб 3 млрд. долларни ташкил қилди.

Соҳага рақамлаштириш жараёнлари, томчилатиб суғориш технологиялари, инновациялар жадал кириб бормоқда. Чўлланиш, ерларнинг шўрланиши ва деградациясига қарши курашиш, тупроқ унумдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилаётир. Ҳозирги кунгача 500 минг гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилиб, 3 млрд. куб метр сув иқтисод қилингани ва қарийб 1 млн. гектар ернинг сув таъминоти яхшилангани ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Жорий йилда қўшимча равишда 100 минг гектар ер фойдаланишга киритилиб, озиқ-овқат экинлари экилгани, мевали боғ ва токзорлар барпо этилгани юртимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Соҳадаги ана шундай ўзгаришлар жараёнида аҳоли даромадларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда охирги икки йилда 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилиб, 670 минг нафар юртдошимизга танлов асосида берилди. Натижада 2 миллиондан ортиқ доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилиб, қўшимча 3 млн. тонна маҳсулот етиштирилди.

Ер қадрини биладиган, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланадиган, доимо изланиб, ноёб тажриба мактаби яратган кластер раҳбарлари, фермер ва деҳқонлар мева-сабзавот, шоли, доривор гиёҳлар етиштириш, чорвачилик ва бошқа тармоқларда ҳам юқори натижаларни қўлга киритаётгани эътиборга молик.

Қишлоқ хўжалиги — имкониятларга бой соҳа. Бозорларимиз файзу бараакаси, ҳаётимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ. Халқимиз дастурхони тўкин-сочин бўлишида илғор, замон билан ҳамнафас деҳқон ва фермерларнинг хизматлари бекиёс.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлик даражасини кўтариш, оборотдан чиққан экин майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, лалми ерларни ўзлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратиляпти.

➔3

**Олий Мажлис Сенатида**

## ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҲОЛАТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

*Пойтахтимизда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши раиси Танзила Норбоева олиб борди.*

Йиғилишда Республика кенгаши аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Айтилганидек, жорий йил давомида мамлакатимиз учун устувор бўлган ижтимоий-иқтисодий соҳага оид 9 та, сиёсий-ҳуқуқий соҳада 10 та халқаро рейтинг натижалари эълон қилинди. Хусусан, "Transparency International" халқаро ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон 14 поғонага кўтарилиб, 180 та давлат орасида 126-ўринни эгаллади.

Логистика самарадорлиги индексида Ўзбекистон ўз позициясини 11 поғонага яхшилаб, 138 та мамлакат орасида 88-ўринни банд этди. Бундан ташқари, Барқарор ривожланиш мақсадлари индексидаги республикамиз кўрсаткичлари 8 поғонага юқорилаб, 166 та давлат орасида 69-ўрин ҳамда Иқтисодий эркинлик индексидаги кўрсаткичларимиз 8 поғонага яхшиланиб, 176 та мамлакат орасида 109-ўрин қайд этилди.

Тадбирда Ҳудудлар ҳуқуқ устуворлиги индексининг 2022 йил натижалари ҳам муҳокама қилинди. Таҳлилларга кўра, энг яхши кўрсаткич Сурхондарё вилоятида қайд этилган бўлса, энг паст кўрсаткичлар Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тааллуқли.

Ҳудудларда қонун ҳужжатларига риоя қилиниши индикаторида ижобий кўрсаткичларга эришилган бўлса, маҳаллий ижро органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ҳамда ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги индикаторларида умумий натижа пасайган.

Йиғилишда Президентнинг 2022 йил 18 майдаги "Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият уйғунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси ҳам кўриб чиқилди.

Жумладан, халқаро рейтинглар таркибий индикаторларида мунтазам паст баҳоланиб келинаётган соҳа ва тармоқларни жадал ривожлантириш бўйича қабул қилиниши керак бўлган ўрта ва узоқ муддатли стратегиялар лойиҳалари муҳокама марказида бўлди.

➔2

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЖУДА ИСТИҚБОЛЛИ ВА САМАРАЛИ

*Парижда сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи ва Ўзбекистон бозорига кириш истагида бўлган француз компанияларига мўлжалланган "French Tourism Days 2024 — Ouzbėkistan" дастури тақдим этилди.*

**Биз ва жаҳон**

Тақдимот Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси, "Business France" агентлиги, "Dualest" компанияси ва "AFOR" ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказилди.

Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тадбирда Франция сайёҳлик компаниялари, ишбилармон ва маданий доиралар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон элчиси Сардор Рустамбоев, "Dualest" компанияси тижорат директори Софи Ланфранши ва "AFOR" ассоциацияси раҳбари Навбаҳор Ханиязова мамлакатимизнинг бой туризм салоҳияти ҳақида сўз юритди.

Ҳар йили Ўзбекистонга миллионлаб хорижий сайёҳлар ташриф буюриши таъкидланди. Уларни Ўзбекистоннинг гўзал табиати, Ўрта асрларга оид мусулмон меъморчилигининг улуғвор обидалари, гастрономияси, ўзбек халқига хос меҳмондўстлик ўзига фаол жалб этаётгани урғуланди.

➔3

**Дўстлик ришталари**

## МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР — ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА

*Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига асосланган ҳолда очиқ, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат олиб бормоқда. Янги Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсий қиёфаси дунёда ва минтақада шиддат билан ўзгараётган вазият ҳамда мамлакат ичида кенг кўламли ўзгаришларга асосланиб шаклланмоқда.*

Бу борада "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг бешинчи мақсади "Хавфсиз ва тинчликсевар давлат" тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш", деб номланганлиги ва ушбу мақсад аниқ ўнта устувор йўналишни қамраб олганлиги мамлакатимизнинг очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат юритиш борасидаги ислоҳотларига янада жадал суръат бағишлаганининг ёрқин намунаси, дейиш мумкин.

Кейинги йилларда мамлакатимиз олис ва яқиндаги, айниқса, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик, узоқ муддатли ва кенг қиррали шериклик алоқаларини янада кучайтириш бўйича бошлаган ташқи сиёсат йўлини изчиллик билан давом эттирмоқда. Натижада мамлакатимизнинг минтақа ва халқаро миқёсда обрў-эътибори ошиб, қатор нуфузли халқаро ташкилотлардаги ўрни мустаҳкамланди, жаҳон майдонидаги ташаббуслари фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси делегациясининг шу йил ноябрь ойида Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб, Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси (ТуркПА)га аъзо парламентларнинг доимий қўмиталари йиғилишида иштироки давомида ҳам бу борадаги эришилган ижобий натижалар алоҳида эътироф этилди.

➔2

## АДОЛАТЛИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида ўсиш тенденцияси кўзга яққол ташланмоқда. Албатта, бундай янгиланишлар, тарихий эврилишлар ўз-ўзидан бўлмайди. Бу ислоҳотлар замирида давлатимиз раҳбарининг қатъияти мужассам.*

**Нуқтаи назар**

Бундан етти йил аввал Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинганди. Ўтган давр мобайнида ушбу стратегия иқтисодиётимиз барқарор ўсишининг пойдевори бўлиб хизмат қилди, десак, муболаға эмас.

Биргина мисол, валюта бозори эркинлашди. Миллий валюта — сўмни айирбошлаш имконияти яратилди. Ҳақиқий бозор иқтисодиётини барпо этиш мақсадида қабул қилинган ушбу тарихий қарорлар туфайли макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботлар енгиллаштирилди. Иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан орқада қолаётган туманлар ва шаҳарлар тараққий этди, аҳолининг турмуш шароити яхшиланди. Қисқача айтганда, Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотларни одамлар ўз ҳаётида сеза бошлади.

Шундан сўнг ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси қабул қилинди. Ўтган қисқа даврда ушбу дастурий ҳужжат доирасида ҳам одамларни рози қилиш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, халқимиз орзу-истаклари рўёби учун салмоқли ишлар бажарилди.

Халқ муаллифлигидаги тарихий яна бир ҳужжат — Президентимизнинг тегишли Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон — 2030" стратегиясидир. Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш, яқин келажакда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг туб мақсадларини қамраб олган ушбу стратегия ўзининг устувор йўналишлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Унда инсон қадрини юксалтириш, эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш энг олий қадрият сифатида белгиланган.

Умуман, мамлакатимизда кейинги етти йилликда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган мазкур ҳужжат, шубҳасиз, Ўзбекистон халқини адолатли тараққиёт йўлида жипслаштиради.

Аввало, стратегия бешта устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсадни ўз ичига қамраб олгани билан эътиборга молик. Бу мамлакатда ислоҳотлар самарадорлигини кескин ошириш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этишдек буюк мақсадларга хизмат қилади.

Ҳужжатнинг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича белгиланган иккинчи йўналишини таҳлил қилсак, унда иқтисодиётни ривожлантириш, тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларини янги босқичга олиб чиқиш борасида қатор ташаббуслар илгари сурилаётгани диққатга сазовор. Масалан, 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва "даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар" қаторига кириш асосий мақсад қилиб олинди. Бунда келгуси етти йилликда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 млрд. долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш кўзда тутилган.

➔3

**Қонунчилик палатаси фракцияларида**

## СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА?

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакат иқтисодий тараққиёти ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга оид қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.*

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари муҳокама жараёнида "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида келгуси йил учун белгиланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига эътибор қаратди. Хусусан, уларда қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи ва айланмадан олинадиган солиқ бўйича айрим имтиёзларни бекор қилиш, мутлақ суммада белгиланган солиқ ставкаларининг кутилаётган инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда индексацияланиши акс этмоқда.

➔2

## ЖАДИД БОБОЛАР ҲАЁТИ ВА ЖАСОРАТИ

### МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАШГА ДОИМ ДАЪВАТ ЭТИБ ТУРАДИ

*Пойтахтимизда "Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари" мавзуидаги халқаро конференция катта тайёргарлик, қизғин ва кўтаринки руҳда ўтказилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаати нуфузли анжуманга жам бўлган ҳамкор давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, таниқли хорижий олимларда унутилмас таассурот қолдирди.*

**Фикр**

Шубҳасиз, ушбу тарихий конференция, унинг қатнашчиларига йўлланган мурожаат теран мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти билан нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун мусулмон олами ва туркий дунё тарихида чуқур из қолдирган жадидчилик ҳаракатини ҳар томонлама ўрганишда янги босқични бошлаб беради.

Бинобарин, Президентимиз мурожаатида таъкидланганидек, ўз моҳиятига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидчилик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намояндаларининг Марказий Осиё ҳудудида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

➔4



Сенат қўмиталарида

# АДВОКАТЛАРНИ АВТОМАТИК ТАНЛАШ БЕЛГИЛАНЯПТИ

*Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисига киритилиши кутилаётган қатор қонунлар муҳокама қилинди.*

Дастлаб "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун билан мамлакатимиз фуқароларининг конституциявий нормалар билан мустаҳкамланган малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқидан фойдаланиш механизми такомиллаштирилмоқда.

Эндиликда жиноят ишлари билан бир қаторда, фуқаролик ва маъмурий ишларда ҳам фуқароларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилиши ҳамда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни инсон омили аралашувисиз "Юридик ёрдам" ахборот тизими орқали автоматик танланиши белгиланмоқда.

Шунингдек, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажрими асосида ишда ҳимоячи (адвокат) иштирокини таъминлаш шартлиги кўрсатиб ўтилмоқда.

Бундан ташқари, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатни жалб қилишда адвокатнинг ишда иштирок этиши тасдиқланган пайтдан эътиборан унга ишга киришиш учун камида тўрт соат вақт берилиши кўзда тутилмоқда.

Мажлисда "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

У билан парламент палаталари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилмоқда.

Хусусан, парламент палаталари фаолиятидаги бир-бирини такрорловчи ваколатлар аниқлаштирилмоқда. Сенат аъзолари жами 65 нафар, шундан ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликдан 4 нафардан сайланиши, 9 нафари Президент томонидан тайинланиши белгиланмоқда. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ўзини ўзи тарқатиб юбориш ваколати киритилмоқда. 100 минг нафардан кам бўлмаган фуқаролар, Сенат, Омбудсман ва Марказий сайлов комиссияси қонунчилик таклифларини Қонунчилик палатасига киритиши мумкинлиги белгиланмоқда. Парламент текширувини Олий Мажлис палаталари аъзолари орасидан тенглик асосида тузиладиган биргаликдаги махсус комиссия томонидан ўтказилиши ҳам назарда тутилаётир.

Муҳокама якунида Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлисида дастлаб "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун атрофлича кўриб чиқилди.*

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорларига мувофиқ қабул қилинган давлат дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан 2024 йилда жами 53,1 трлн. сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Маданият вазирлигига 2024 йилда республика бюджетидан 1,1 трлн. сўм, шу жумладан, вазирлик жорий харажатларига 820,4 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 280 млрд. сўм ажратилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, маданият соҳасини ривожлантириш учун жами 149,5 млрд. сўм ажратиш режалаштирилмоқда. Жумладан, давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш учун харажатлар 105 млрд. сўм ҳамда хорижий кинокомпаниялар томонидан Ўзбекистон ҳудудида кино ишлаб чиқариш қисмини қоплаш учун 5 млрд. сўм, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маданият марказларини миллий чолғу асбоблари билан таъминлаш учун 7,5 млрд. сўм ажратилиши белгиланган.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига 2024 йилда республика бюджетидан 1,8 трлн. сўм, шу жумладан, вазирликнинг жорий харажатларига 1,3 трлн. сўм ажратиш кўзда тутилаётир. Спорт соҳасидаги давлат дастурларини молиялаштириш учун 980 млрд. сўм ажратилиши белгиланмоқда.

Олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш учун 250 млрд. сўм, Паралимпия ўйинлари учун эса 41 млрд. сўм назарда тутилган.

Эътиборли жиҳати, Давлат бюджетида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишни кенгайтириш ва уларни янада кенг қўллаб-қувватлаш ҳамда субсидиялар учун 150 млрд. сўм йўналтирилади.

Маданий мерос агентлигига 2024 йилда республика бюджетидан 213,5 млрд. сўм, жумладан, агентликнинг жорий харажатлари учун 183,5 млрд. сўм ажратиш белгиланяпти. Бу борадаги давлат дастурларини молиялаштириш учун 131 млрд. сўм ажратилади.

Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, археологик ишлар учун 125 млрд. сўм миқдорида ҳамда давлат музейларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш 6 млрд. сўм миқдорида маблағ ажратилиши назарда тутилмоқда.

Мажлисда "Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам таҳлил қилинди.

Унга кўра ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар содир этган ўта оғир бўлмаган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган деб ҳисобланиши белгиланмоқда. Қолаверса, вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклашнинг ҳамда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам муддати олти ойдан бир ойгача қисқартирилиши назарда тутилаётир.

Мажлис якунида Сенат қўмитасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ МАСАЛАСИ ТАҲЛИЛ МАРКАЗИДА БЎЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси мажлисида ҳам дастлаб "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун атрофлича муҳокама қилинди.*

Таъкидланганидек, 2024 йилда Давлат бюджетидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун 883,2 млрд. сўм ажратилиши режалаштирилган. Шундан келиб чиқиб, тегишли вазирлик ва идоралар масъулларининг бу борадаги ахбороти эшитилди.

Шундан сўнг сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга тўхталди.

Мамлакатимизда дарахтларни асраш, яшил майдонларни кенгайтириш ва сақлаб қолиш бўйича тизимли чоралар кўрилишига қарамасдан, уларга зиён етказиш билан боғлиқ ҳолатлар ортиб бормоқда. Айни чоғда саноат, ишлаб чиқариш, қурилиш кўламининг жадал кенгайиши аҳоли пунктларига тушаётган салбий экологик босимни камайтириш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, дарахт, бута, бошқа ўсимлик ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, шикастлаш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш учун белгиланган жарима миқдори беш бароварга оширилмоқда. Бундай ҳуқуқбузарлик учун жарима фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан 50 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 50 бараваридан 75 бараваригача оширилмоқда.

Шу ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такрор содир этилганда жаримани фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 75 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 75 бараваридан 100 бараваригача ошириш ёки ҳуқуқбузарга нисбатан ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олиш жазо турини қўллаш назарда тутилмоқда.

Эндиликда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини ғайриқонуний равишда кесганлик, йўқ қилганлик учун юридик шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваригача молиявий санкциялар қўлланилади.

Қоидабузарлик билан кесилган ҳар бир дарахт ўрнига қимматлиги жиҳатидан ундан кам бўлмаган юз туп дарахт кўчатини экиш ва уч йил давомида парвариш қилиш шартлиги кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, мажлисда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг иқлим ўзгаришининг олдини олишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳамда ҳудудларни яшиллаштириш бўйича олиб борилаётган фаолият юзасидан ахбороти эшитилди.

Ахборотни эшитиш давомида тизимда амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга соҳадаги мавжуд айрим муаммо ва камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Масалан, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида баҳорги мавсумда экилган 1 млн. 800 минг кўчатни парваришлашга масъуллар бириктирилмаган. Суғориш тизимлари мавжуд бўлмаган ҳудудларга 7,3 млн. туп кўчат экилган. Дарахтларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган.

Мажлис якунида кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг қарорлари қабул қилинди.

# ФУҚАРОЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ СУДЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси мажлисида "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига маъмурий судларга мурожаат қилишда фуқаролар учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун кўриб чиқилди.*

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш имконияти кенгайтирилди. Айни чоғда бу янгиланиш ва ўзгаришларни қонун нормаларида янада мустаҳкамлаш, аввало, уларни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослаштиришни даврнинг ўзи тақозо этаётганди.

Шу муносабат билан "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан маъмурий судларга мурожаат қилишда давлат божини фуқаролардан олдиндан ундирмасдан, ушбу божни ишни кўриб чиқиш натижасига кўра айбдор тарафдан ундириш тартибини, шунингдек, давлат божининг кўрсатилган ставкаси миқдори пасайтирилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мазкур қонун фуқароларнинг маъмурий судларга мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, мажлисда "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Қонунда бюджет сиёсатини "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва 2020 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясида белгиланган йўналиш ва мақсадларга мувофиқ амалга ошириш ва узоқ муддатда фискал барқарорликни таъминлаш бўйича киритилган қоидаларга қатъий амал қилиш кўзда тутилган.

Ўз навбатида, йиғилишда гендер тенгликка эришишни бюджет жараёнига интеграциялаш орқали гендер тенгликка йўналтирилган бюджетлаштириш ва дастурий бюджетлаштириш тизимини амалиётга босқичма-босқич жорий этиш юзасидан музокаралар ўтказилди ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Мажлис сўнгида Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

# ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР БИЛАН ИШЛАШ ҲОЛАТИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?



1 Қолаверса, халқаро рейтингларнинг паст кўрсаткичли индикаторлари учун масъул давлат органлари томонидан соҳа ва тармоқлардаги мавжуд тизимли хатоликларни бартараф этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун илмий грантларга буюртма бериш ҳолати танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди.

Йиғилишда мамлакатимиз учун устувор этиб белгиланган рейтинглар методологияларининг тез-тез ўзгариб туриши, уларнинг вақтинчалик ёки мутлақо тугатилиши амалиётда муайян қийинчиликларни келтириб чиқараётгани сабабли халқаро рейтинглар билан ишлаш тизимини қайта кўриб чиқиш зарурати юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, Конституциямизда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" экани белгиланиб, аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиниши мамлакатимиз сиёсатининг бош мезони сифатида кўрилаётганлигидан ҳамда экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган кенг чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигидан келиб чиқиб, Ижтимоий тараққиёт индекси ва Экологик самарадорлик индекси билан ишлаш мақсадга мувофиқлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари ахбороти эшитилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга, жумладан, Глобал инновация индексининг 2023 йил ҳисоботида қайд этилган паст индикаторлар бўйича Ўзбекистон позициясини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилиш якунида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР КУТИЛМОҚДА?



1 Қонун лойиҳаси билан Солиқ кодексига, шунингдек, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунларга ҳамда Иқтисодий процессуал кодекси ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутиляпти.

Лойиҳага кўра, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча енгилликлар яратилмоқда. Хусусан, камерал солиқ текширувида тадбиркордан ҳужжат талаб қилиш, бино ва ҳудудларига кириш ёки уни идорага чақириш тақиқланмоқда. Қўшимча ҳисобланган солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш жорий этилмоқда.

Мунозаралар давомида депутатлар томонидан қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди, асосли таклифлар илгари сурилди.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** аъзолари "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 378-моддасига профессионал ва олий таълим олишни янада рағбатлантиришга қаратилган ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг аҳамиятли жиҳатларига тўхталиб ўтдилар.

Амалдаги қонунчиликка кўра ота-оналар олий ўқув юртлари ёки нодавлат мактаб ва боғчаларда ўқийдиган фарзандларига таълим тўловларини ўз ойлик иш ҳақларидан тўлаб берса, 12 фоиз даромад солиғини қайтариб олишлари мумкин. Бу тартиб ўзи ишлаб, ўз шартнома пулини тўлаган талабалар ёки турмуш ўртоғи учун шартнома пулини тўлаганларга ҳам амал қилади. Аммо ота-оналар бунда 26 ёшга тўлмаган фарзандлари учунгина тўловни амалга оширган бўлиши керак эди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан эса ота-оналарга фарзандларининг ёшидан қатъи назар, уларнинг таълим олиши учун йўналтирилган тўловларга нисбатан солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконияти берилмоқда.

Шунингдек, фарзандларига нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва (ёки) мактаблар кўрсатадиган таълимга оид хизматлар учун ота-она (фарзандликка олувчилар) томонидан ҳар бир фарзанд учун тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловларга ҳам шундай имтиёз берилади.

Мазкур қонун лойиҳаси **Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

"Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида эса ёнғинлар профилактикаси соҳасида тизимли ишлар амалга оширилаётганига қарамай, аҳолининг маиший ҳаётида ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ёнғинлар билан боғлиқ нохуш ҳодисалар рўй бераётгани қайд этилди.

Қонун ташаббускорларининг айтишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришга асос бўлади. Шу орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бундай тоифадаги ҳуқуқбузарликларга доир ишларни кўриб чиқиш бўйича ягона ёндашувни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонун лойиҳасидаги муҳим ўзгаришларни бирма-бир кўриб чиқди.

Хусусан, 2024 йил 1 январдан тадбиркорларнинг солиқ идоралари билан бўладиган низолари маъмурий суд ваколатига ўтказилиб, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатини 5 йилдан 3 йилгача қисқартириш кўзда тутилмоқда.

2024 йил 1 апрелдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи занжирини таъминлаш ҳамда солиқ маъмурчилигида юзага келган айрим муаммоларни бартараф этиш мақсадида дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббий ва ветеринария хизматлари учун назарда тутилган солиқ имтиёзлари бекор қилинмоқда.

Фракция аъзолари ушбу муҳим жиҳатларни қўллаб-қувватлаб, бу тадбиркорлик субъектлари манфаатларини таъминлашга хизмат қилишини қайд этди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари ҳам "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-ги қонун лойиҳаси билан тегишли ҳужжатларга киритилаётган муҳим ўзгартиришларга аҳамият қаратди.

Чунончи, 2024 йил 1 апрелдан бошлаб аҳоли учун ичимлик суви таъминоти, канализация, санитария-тозалаш, иссиқлик таъминотида кўрсатиладиган хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғининг ноль даражали ставкасини бекор қилиш кўзда тутилмоқда. Ушбу ўзгаришни фракция аъзолари эътироф этган ҳолда бу фуқароларнинг сувга, табиатга бўлган эҳтиёткорона муносабати, масъулияти ошишига кўмаклашишини таъкидлади.

Шунингдек, 2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабргача металларни қазиб олувчи, шунингдек, углеводород хомашёсини қазиб олувчи юридик шахсларга махсус рента солиғи қўлланилмаслиги назарда тутилмоқда.

Қонун ташаббускорларининг таъкидлашича, мазкур норма мамлакатимизда жозибадор инвестициявий муҳитни яратишга қаратилган.

*Фракциялар йиғилишларида депутатлар қонун лойиҳалари юзасидан партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини билдирдилар. Айрим нормалар бўйича асосли саволлар ўртага ташланди.*

*Муҳокамалар якунида кўриб чиқилган қонун лойиҳалари фракциялар аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.*

**«Халқ сўзи».**

# МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР — ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА

1 Таъкидлаш кераки, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг туркий тилли давлатлар билан ўзаро муносабатлари, ташқи сиёсий ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда. Айниқса, бу борада Ўзбекистон — Туркия муносабатларини алоҳида эътироф этиш лозим.

Ўзбекистон ва Туркияни кўп асослар — муштарак тил ва тарих, уйғун маданий алоқалар, ўхшаш анъана ва тутумлар, ягона дин, азалий дўстлик ва қардошлик муносабатлари бирлаштириб туради. Икки халқ тамаддуни геосиёсий жойлашув ва тарихий тараққиётдан тортиб, ҳозирги ривожланиш босқичида кечаётган ислоҳотларнинг ўзига хослигигача бўлган кўплаб умумий жиҳатларга эга.

Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олгани ҳам ана шу қардошликнинг юксак ифодаси бўлган эди. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. 2017 йил октябрь ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга илк давлат ташрифи чоғида мамлакатларимиз ҳамкорлигини стратегик шериклик даражасига кўтарадиган Қўшма баёнот имзоланди.

Ўтган уч йилда алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашув ва музокараларида мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари мунтазам равишда муҳокама қилиб борилмоқда. Бу мамлакатларимиз ишбилармон доиралари учун қулай шароит яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш, қўшма кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга ошириш каби кўплаб йўналишларда ўз аксини топмоқда.

Шунингдек, 2020 йил 10 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк Миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳининг ташкил этилгани икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро майдонда давлатнинг ҳамда миллий парламентнинг нуфузини мустаҳкамлаш, парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил соҳаларида тажриба алмашишни йўлга қўйиш, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, минтақалараро ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан иборат миллий парламентимиз делегациясининг жорий йил ноябрь ойида Анталия шаҳрида ўтказилган "Аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни таъминлаш ва аёлларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш" мавзуида Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеяси (ТуркПА)га аъзо парламентлар томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан тажриба алмашинувдаги иштироки ҳам ана шундай ҳамкорликнинг яна бир ифодасидир.

Ушбу халқаро учрашувда Ўзбекистон делегацияси томонидан сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Гендер тенгликни таъминлашнинг ҳуқуқий ва институционал асослари яратилганлиги етказилди.

Хусусан, янгиланаётган Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичидаги кўрсаткичларнинг асосий омили инсон ва унинг манфаатлари ҳисобланиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш, адолатли ҳуқуқий давлатни қарор топтириш мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг бош мезони эканлиги алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада кучайтириш мақсадида қабул қилинган "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллиги ҳамда жамиятдаги ролини оширишга йўл очаётганлиги хорижий давлатлар парламент аъзолари томонидан эътироф этилди.

Айниқса, куни кеча Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"-ги қонун билан Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилганда аёллар сонининг энг кам миқдорини номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан қирқ фоизга оширишни назарда тутувчи ўзгартириш киритилганлиги, ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида аёл депутатлар улуши 33 фоиз эканлиги дунё парламентлари аъзолари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди. Чунончи, ТуркПАга аъзо Туркия, Қирғизистон ва Озарбайжон давлатлари парламентларида аёллар улуши ўртача 20 фоизни ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан, конструктив руҳда ўтган учрашувда Туркия, Озарбайжон ва Қирғизистон парламентлари вакиллари мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишларни эътироф этдилар ва Ўзбекистон тажрибасини бошқа давлатларга намуна сифатида кўрсатиб, уни оммалаштириш таклифи билдирилди.

Хусусан, Озарбайжон Миллий Ассамблеясининг Оила, хотин-қизлар ва болалар масалалари қўмитаси раиси Ҳижран Ҳусейнова сўнгги йилларда Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолаб, бу борада мамлакатимиз тажрибасини яқиндан ўрганиш зарурлигини билдирди.

Демак, бу — юртимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш борасидаги ислоҳотлар тўғри олиб борилаётганининг тасдиғи. Ўз навбатида, бу айни пайтда Ўзбекистон оқилона ташқи сиёсат юритаётганини, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги ўрни тобора юксалиб бораётганини кўрсатади, десак, айни ҳақиқат.

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.**

# АДОЛАТЛИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА



1 Шунингдек, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин кўтариш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини зарур энергия ресурслари билан узлуксиз таъминлаш каби чора-тадбирлар белгиланганки, булар халқимизнинг орзу ва умидларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Айниқса, экспорт ҳажмини 2 баробар ошириш — 45 млрд. долларга, экспортчи корхоналар сонини эса 6,5 мингтадан 15 мингтага етказиш, экспорт таркибида тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириш, Европа давлатларига “GSP+” ва бошқа тизимлар доирасида тайёр ҳамда технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтиришдек муҳим вазифалар ҳам муқаррар тараққиётга олиб борувчи муҳим мақсадлардир.

Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш борасида ҳам қатор вазифалар белгилаб олинган. Унга кўра, келгусида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кўрсаткичининг 25 фоиздан юқори бўлиши таъминланади.

Ўзбекистоннинг 2030 йилгача бўлган стратегияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келиши ҳам эътиборга молик жиҳатлардандир.

Бугунги кунда 17 та миллий мақсад ҳамда 126 та вазифадан иборат Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни комплекс, тармоқ ҳамда минтақавий ривожланиш стратегияси ва дастурларига интеграция қилиш, уни амалга ошириш бўйича масъул вазирлик ҳамда идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш, тармоқлараро мувофиқлаштириш ҳамда уларга эришиш йўлида комплекс ёндашувни таъминлаш бўйича изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Натижада жорий йилда Ўзбекистон БМТнинг Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи (SDSN) ва халқаро экспертлар томонидан эълон қилинган БРМ (SDG index) рейтингида 8 поғонага кўтарилиб, 71,1 индекс билан 166 та мамлакат орасида 69-ўринни эгаллади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатларини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этиш, камбағалликни 2 баробар камайтириш, мактабгача таълим билан қамров даражасини 100 фоизга етказиш, сувни ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, республика ҳудудининг яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш каби қатор кўрсаткичларни ўз ичига қамраб олган. Бу эса, ўз навбатида, барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ўзига хос “Йўл харитаси” вазифасини ўтайди, десак, муболаға бўлмайди.

Бугун нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам “Ўзбекистон — 2030” стратегияси янги Ўзбекистонни қуриш йўлидаги энг тўғри стратегия эканлигини эътироф этмоқда. Ушбу ҳужжат том маънода мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий ҳамда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича дастуриламал ҳужжатга айланди. Зеро, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини барқарор таъминлаш йўлидаги энг долзарб масалалар ечими, уларга эришиш йўллари ва усуллари ушбу стратегияда белгилаб олинди.

Умуман олганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси келгуси етти йилга мўлжалланган, ривожланишимизга хизмат қиладиган муҳим ҳужжат бўлди. Ундаги мақсадларнинг ижроси ўз вақтида таъминланиши давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ҳамда жадал ривожланиши, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасини тараққий эттиришда зарур омил бўлиб хизмат қилади.

**Марат ТУРСУНХЎЖАЕВ,**
**Алфраганус университети профессори,**
**иқтисодиёт фанлари доктори.**

# МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЯНГИ ЛОЙИҲА ИШГА ТУШИРИЛМОҚДА

*Ўзбекистонда “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ривожлантириш ва давлат бошқарувини номарказлаштириш” лойиҳаси ишга туширилди.*

*Бу ҳақда Адлия вазирлиги ҳамда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) билан биргаликда ташкил этилган тадбирда маълум қилинди.*

**Тадбир**

Адлия вазирлиги, Давлат бошқаруви академияси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 15,2 миллион долларни ташкил қилади.

Лойиҳада ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар ҳамда моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезонларни ишлаб чиқиш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ва ижро ҳокимияти идоралари ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлаш акс эттирилган.

Шу билан бирга, давлат бошқарувида очиқликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизимини татбиқ этиш ва давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш, такрорланувчи вазифа ва функцияларни бекор қилиш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳамкорлигини ошириш, ҳисобдорлик ва жамоатчилик назорати каби масалалар назарда тутилган.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда бошланган навбатдаги маъмурий ислоҳотлар натижасида ҳукуматга бўйсунадиган ижро органлари сони 61 тадан 28 тага, шу жумладан, вазирликлар сони 21 тагача қисқарди, 20 та идора тўлиқ тугатилди. Ижро этувчи ҳокимият янада ихчамлашиб, профессионал, халқимиз талабларига жавоб берадиган, юқори натижадорликка йўналтирилган давлат бошқаруви тизими шакллантирилмоқда.

Умуман, ишга туширилаётган мазкур лойиҳа, ҳозирда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишга кўмак бериши билан эътиборга молик.

Тадбир давомида Адлия вазирлиги ҳамда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжатда маҳаллий давлат ҳокимияти фаолияти самарадорлигини таъминлаш ҳамда унда фуқаролар иштирокини рағбатлантириш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари салоҳиятини кучайтиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

**«Халқ сўзи».**

# ИННОВАЦИЯ ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



1 Шунингдек, янги иссиқхоналар ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари таннархининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Буларнинг барчаси ички бозор эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда, экспорт имкониятларини кенгайтириб, қишлоқ жойларда савдо, логистика марказлари ва қайта ишлаш корхоналарини ривожлантирмоқда.

Айни пайтда янги лойиҳалар устида ишлаш, бозор механизмлари тамойилларини кенг жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш, малакали мутахассисларни тайёрлаш масалалари давлатимиз диққат марказида. Ана шу талаб ва мезонлардан келиб чиққан ҳолда, соҳада кенг кўламли ислоҳотларни жорий этиш режалаштирилган.

Маҳсулот етиштириш таннархини 30 — 35 фоизга қисқартириш, ер унумдорлигини ошириш, деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 бараварга кўпайтириш, экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда мевасабзавотчиликни ривожлантириш, агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ўстириш, чорвачилик тармоқлари фаолиятини такомиллаштириш, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш тизимига ўтиш шулар жумласидандир.

Халқ, деҳқон бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилар экан, табиийки, уларнинг турмуш фаровонлиги аграр соҳа ривожи билан узвий боғлиқдир. Аграр тизим нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, балки саноатнинг кўпгина тармоқларини хомашё билан таъминловчи мажмуа ҳамдир.

Қаерда эркин ишлаб, меҳнати натижасидан баҳраманд бўлиш учун қулай муҳит яратилса, ўша жойда тараққиёт, фаровонлик бўлади. Бугунги кунда юртимиз деҳқон ва фермерлари ана шундай шарт-шароитларга эга. Жумладан, экин учун уруғлик, минерал ўғит ва бошқа зарурий ресурслар бевосита фермернинг даласи бошигача етказиб берилиб, барча турдаги хизматлар кўрсатиляпти. Асосийси, улар молиявий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Деҳқон ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, техникавий ҳамда молиявий шарт-шароитлар тўлиқ яратиб берилиши соҳада юқори натижалар кафолатидир. Шу мақсадда минглаб гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар, жумладан, томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет усулда суғориш жорий қилинди. Ирригация ва мелиорация тадбирлари натижасида 170 минг гектардан ортиқ ернинг сув таъминоти ҳамда 140 минг гектардан зиёд суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига ҳамда 6 млрд. куб метр обиҳаёт иқтисод қилинишига эришилди.

Аҳамиятлиси, ҳудудларда “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни қишлоқ хўжалигида иш билан банд қилиш ва маҳсулот етиштириш учун 604 минг гектар майдон ажратилиб, жами 3 миллионга яқин аҳоли мавсумий иш билан таъминланди.

Соҳани ривожлантириш борасида улкан марралар кўзланган. Эндиликда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатини камида 5 фоизга, бир гектардан ўртача даромадни 5 минг долларга, экспорт ҳажмини 7 млрд. долларга етказиш назарда тутилмоқда. Бунинг учун тармоқда давлат аралашувига тўлиқ барҳам берилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш саноат босқичига олиб чиқилади. Туманлар аниқ маҳсулотлар етиштиришга ихтисослаштирилиб, деҳқонларни қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан субсидиялар ажратилади. Шунингдек, аграр тармоқдаги кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари фаолиятини барқарор, қулай шарт ва муддатларда молиялаштириш ҳамда суғурталашнинг мутлақо янги механизмларига ўтилади. Давлат идоралари томонидан нарх белгилаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мажбурий сотиб олиш тизими тўлиқ бекор қилиниб, эркин бозор муносабатлари жорий этилади.

Айтиш жоизки, чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш ҳам халқимизни арзон ва сифатли гўшт ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромадини кўпайтиришда муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ҳамда арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга катта аҳамият қаратиляпти. Бу йўналишда қабул қилинган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар ички истеъмол бозорини гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, озуқа базасини кўпайтириш, наслчиликни яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хулоса шуки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳасида кечаётган ислоҳотлар халқимизнинг фаровон турмуши, юртимиз тараққиётини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қиляпти. Муҳими, бу янгиланиш ва ўзгаришларни одамлар ўз ҳаётида сезмоқда.

**Баҳодир МИРЗАЕВ,**
**«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ректори, профессор.**

# КОРРУПЦИОН ЖИНОЯТЛАР

## ТУФАЙЛИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА 37 МЛРД. СЎМДАН ОРТИҚ МОДДИЙ ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАН



*Коррупция — ижтимоий барқарорлик кушандаси сифатида муайян даражада дунёнинг барча мамлакатига дахлдор. У демократик институтларни емириб, давлатнинг иқтисодий ривожланишини ортга тортади, жамиятда тинчлик-осойишталик барқарорлигига рахна солади.*

*Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишга қаратилган институционал механизмларни ислоҳ қилишда фуқаролик жамиятини ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланди. Бу жараёнда “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоя асосида демократик ислоҳотлар амалга оширилди.*

**Долзарб мавзу**

Навоий вилояти мисолида назар солсак, ҳудуд коррупцияга қарши курашиш рейтинг кўрсаткичларининг айримларида ижобий баҳога эга бўлиб, ҳар чоракда юритиладиган ҳудудлар кесимида коррупция тарқалганлик даражаси рейтинги бўйича коррупция ҳолатлари паст бўлган “яшил” ҳудудлар тоифасига киритилса-да, Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индексида 100 баллдан 62,2 балл билан “сариқ”, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгаши фаолияти рейтинги бўйича 100 баллдан 49,5 балл билан мамлакатда 7-ўринда бормоқда.

— Вилоят бўйича шу йилнинг ўтган саккиз ойида коррупцияга оид жами 85 та жиноят иши қўзғатилиб, шундан 129 нафар шахсга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди, — дейди вилоят ҳокимлиги коррупцияга қарши ички назорат шуъбаси раҳбари Феруз Ҳасанов. — Жумладан, вилоят бўйича турли даражадаги 52 мансабдор шахс (уларнинг 11 нафари вилоят ва 41 нафари туман (шаҳар) даражасидаги давлат идоралари ходимлари) коррупцион жиноят содир этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Жавобгарликка тортилганларнинг 32 нафари ўзганинг мулкини ўзлаштириш, 10 нафари пора беришга далолат қилган ҳолда фирибгарлик, 4 нафари пора олиш, 5 нафари мансаб ваколатларидан фойдаланиш ва 5 нафари пора олиш-беришда воситачилик қилиш каби жиноятларга қўл урган. Оқибатда бу коррупцион жиноятлар туфайли Давлат бюджетига 37 млрд. сўмдан ортиқ моддий зарар етказилган.

Давлат молиявий назорат органлари томонидан жорий йилнинг 8 ойи давомида вилоятдаги 107 та объектда назорат тадбирлари ўтказилганда уларнинг 74 тасида ёки 73 фоизида 14 млрд. сўмлик бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш билан боғлиқ молиявий хато ва камчиликлар аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашишда давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлиги муҳим ўринга эга. Бунда одамлар ўзларини фуқаролик жамиятининг том маънодаги аъзоси сифатида ҳис этиб, қабул қилинаётган у ёки бу қарорларга нисбатан муносабатини билдиради. Қолаверса, раҳбарларнинг масъулияти ошади. Шу жиҳатдан вилоят Очиқлик индексида “сариқ” тоифада қайд этилган бўлса-да, республика вазирлик ва идораларининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармалари фаолиятида очиқликни таъминлаш бўйича муаммолар сақланиб қолмоқда.

Мисол учун, ўрганилган 17 та вазирлик ва идоранинг вилоятдаги ҳудудий бошқармаларидан атиги 5 таси (қишлоқ хўжалиги, адлия, маданият, соғлиқни сақлаш, автомобиль йўллари, мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари) интернет тармоғида расмий веб-сайтларини ташкил этган. Шунингдек, халқ депутатлари Кенгашлари сессияларининг телеканаллар ҳамда интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилиши мониторинги шуни кўрсатдики, жорий йилда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг барча сессиялари маҳаллий телеканаллар ёки интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилган бир пайтда халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг (биринчи ярим йилликда) 73 та сессиясидан атиги 21 таси ёки 29 фоизи жонли эфирга узатилган холос.

Манфаатлар тўқнашуви коррупцион муносабатларнинг дояси ҳисобланади. Шу боис амалдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ давлат фуқаролик хизматчиси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги қайд этилган. Шу асосда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги қарори билан тасдиқланган “Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари”да давлат хизматчиларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган.

— Мазкур қарорнинг ижроси бўйича ўтган йил сентябрь ойида ўтказилган ўрганишларда вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликлари мансабдор шахсларининг 8 нафари *(5 нафар ҳоким ўринбосари, 2 нафар вилоят ҳокимлиги котибият мудири, 1 нафар ҳисобчи)* тадбиркорлик субъектларининг таъсис улуши эгаси ёки раҳбари эканлиги аниқланди, — дейди Ф. Ҳасанов. — Шунингдек, 330 нафар ҳоким ёрдамчисидан 74 нафарига (22,4 фоиз) тегишли бўлган тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлиб, айрим ҳоким ёрдамчилари 7 тагача тадбиркорлик субъектларининг раҳбари ва таъсисчиси эканлиги ҳам маълум бўлди.

Мазкур ҳоким ёрдамчиларидан 11 нафарига тегишли (таъсисчи ёки раҳбар) тадбиркорлик субъектлари оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида таъминотчи ташкилот сифатида 144 нафар фуқарога имтиёзли кредитлар бўйича маҳсулотлар етказиб берган ҳамда уларга банклар томонидан 4 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ўтказиб берилган. Уч мансабдор шахсга тегишли тадбиркорлик субъектлари ўзлари ишловчи ташкилотлар буюртмаси асосидаги 293 млн. сўмлик 14 та давлат харидида қатнашиб, ғолиб бўлган.

Жорий йилда ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар давом этган. Мисол учун, Хатирчи тумани ҳокимининг ўринбосари давлат хизмати билан бир вақтда тадбиркорлик субъектининг таъсисчиси эканлиги аниқланган.

Манфаатлар тўқнашуви, коррупцион муносабатлар ижтимоий соҳада, айниқса, тиббиётда аҳолининг ҳақли эътирозига, айрим ҳолларда эса фожиага олиб келмоқда. Мисол учун жорий йилнинг ноябрь ойида Нурота туманидан келган бемор вилоят онкология маркази директорининг “Ангиомед” хусусий шифохонасига ётқизилади ва нотўғри ўтказилган жарроҳлик амалиётидан сўнг ушбу тиббиёт муассасасида вафот этади.

Онкология маркази директори кирдикорларини яшириш мақсадида ўз ваколатини суиистеъмол қилиб, вафот этган беморни муассасанинг “Дамас” автомашинасида онкология шифохонасига олиб келади. Қўл остидаги шифокорларга босим ўтказиб, 50 дақиқа давомида реанимация қилишга уринади ва бемор онкология шифохонасида вафот этди, деб қариндошларига бериб юборади.

— Коррупция, аввало, ижтимоий адолат барқарорлигига путур етказади, — дейди фалсафа фанлари доктори Нигора Сафарова. — Ижтимоий адолатсизлик кўринишларини бартараф этиш эса давлат органлари билан бирга фуқаролик жамияти институтларининг баравар масъуллигини талаб қилади. Чунки коррупция эпидемия сингари бошқа соҳаларни ҳам ўз домига тортиши билан хавфли.

Айтайлик, жамиятдаги таълим соҳасида коррупцион муносабатлар оқибатида давлат мулкини талон-торож қилиш ҳолати аниқланса, уни “ёпиш” пайига тушиб, мансабдорлар ҳуқуқни муҳофаза этиш органи мутасаддиларини ҳам ўз доирасига тортишга ҳаракат қилишади. Бу ҳақда хабар берган фуқарони иғвогарга чиқаришга уринишади. Сохта обрў ортидан қувиб, турли “пиар”лар уюштирилади. Дарҳақиқат, коррупция асрий қадриятларни ҳам, жамият ботинидаги маънавий бойликларни ҳам емиради.

Умуман олганда, коррупция демократик институтларни заифлаштирувчи, ижтимоий тартибни бузувчи иллат сифатида фуқаролар, айниқса, ёш авлод онгида ижтимоий адолат, давлат органлари ва мансабдор шахсларга нисбатан ишончни сусайтириб, ижтимоий муаммоларни яшириш, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, расмиятчилик, сансалорлик, буйруқбозлик, такаббурлик каби иллатларга йўл очади. Бу иллат бартараф этилмас экан, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар мураккаблашиб, мамлакат ўз инвестициявий жозибадорлигини йўқотиб бораверади.

Шу боис коррупцияга қарши курашишда жамиятнинг фаоллиги давлатнинг ҳуқуқий базани яратиш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлаш вазифаларидан кам эмас. Бинобарин, ижтимоий адолат доимо жамият ва давлатнинг мустаҳкам ҳамкорлиги самараси бўлиб келган.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЖУДА ИСТИҚБОЛЛИ ВА САМАРАЛИ

1 Франция Ўзбекистонга келаётган хорижий сайёҳлар сони бўйича Европа давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатларимизни Париждан Тошкент ва Урганчга “Uzbekistan Airways” АЖ томонидан 30 йилдан буён амалга ошириб келинаётган тўғридан-тўғри ҳаво қатновлари боғлаб туради.

Тадбир доирасида Франция иқтисодий дипломатияси воситаларидан бири — “Business France” агентлиги томонидан ишлаб чиқилган “French Tourism Days 2024 — Ouzbėkistan” (“Француз туризм кунлари 2024 — Ўзбекистон”) дастури тақдим этилди.

Ушбу дастур сайёҳлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи ҳамда Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси бозорига чиқиш, маҳаллий ҳамкорлар билан ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, “ноу-хау”, инновацион ечим ва маҳсулотларни таклиф этиш, мамлакатимиз туризм экотизимини ривожлантириш учун таклифлар бериш истагида бўлган француз компаниялари учун мўлжалланган.

Дастур доирасида Урганч, Хива, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатлар уюштириш ҳамда ташриф буюрилган ҳар бир шаҳарда катта салоҳиятга эга маҳаллий ҳамкорлар билан “B2B” форматида учрашувлар ташкил этиш режалаштирилган. Лойиҳа туризмнинг турли йўналишларини, жумладан, экотуризм, меҳмонхона бизнеси, этнотуризм, музей бошқаруви, туроператорлар учун дастурий таъминот, брон қилиш, кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш сингари муҳим жабҳаларни ўз ичига олади.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва ҳамкорлик истиқболлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Франсуа БАРРЕ,**
**«Eurotel» компаниясининг Нант шаҳридаги вакили:**



— Мамлакатингиз элчихонасида бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистонда туризм соҳаси жадал ривожланаётганини кўрсатди. Бу маҳаллий ва хорижий сайёҳларни қабул қилиш учун мўлжалланган меҳмонхона инфратузилмасига ҳам тегишли. Компаниямиз меҳмонхона саноатида консалтинг хизматларини кўрсатишга ихтисослаштирилган. Биз “French Tourism Days 2024 — Ouzbėkistan” дастури доирасида меҳмонхоналарни такомиллаштириш, хусусан, Европа, Осиё ва Америкадан келаётган хорижий сайёҳлар учун хавфсизликни таъминлаш ва қулайликларни ошириш каби масалалар бўйича таклифларимизни тақдим этиш ниятидамиз.

**София БРИК,**
**Лион шаҳри метрополисига кирадиган Венисьё коммунаси мэри ўринбосари:**



— Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти жуда истиқболли ва самарали, десак, айни ҳақиқат. Францийлик аксарият сайёҳларнинг Ўзбекистонга қизиқиши юқори. Улар Самарқанд, Бухоро ва Хива каби тарихий шаҳарларни кўришни хоҳлайди.

Мен Лион шаҳрининг коммуналаридан бири вакилиман. Маълумки, Лион ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида бирордарлик алоқалари ўрнатилган. Лион тарихан француз ипакчилик саноатининг маркази ҳисобланади. Самарқанд эса Ғарб ва Шарқ цивилизацияларини боғловчи Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган энг муҳим шаҳардир. Биз Лион ва Самарқанд аҳолиси манфаати йўлида турли соҳаларда, жумладан, маданият, сайёҳлик алмашинуви бўйича ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз.

**Софи ЛАНФРАНШИ,**
**«Dualest» компаниясининг ривожланиш бўйича директори:**



— Мамлакатингизнинг Париждаги элчихонасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти муваффақиятли тақдим этилди. Тақдимотда Париж ва Франциянинг турли ҳудудларидан сайёҳлик саноати вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистонда кўплаб сайёҳлик жойлари, Ўрта асрларга оид меъморчилик обидалари, музейлар, истироҳат боғлари мавжуд. Назаримда, хорижлик сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш учун ўзбек мутахассислари, меҳмонхона хўжаликлари, туроператорлари Франциянинг туризм соҳасидаги тажрибасини ўрганиши фойдадан холи бўлмайди.

Ишонамизки, “French Tourism Days 2024 — Ouzbėkistan” дастури Франция туризм соҳаси мутахассисларига ўзбекистонлик бўлажак шериклар билан учрашиш, ҳамкорлик борасидаги таклифларни илгари суриш, сайёҳлик гуруҳларини қабул қилиш бўйича тажриба алмашиш, меҳмонхона инфратузилмаси ва бошқа соҳаларни модернизация қилиш имкониятини тақдим этади.

**«Дунё» АА.**
Париж

# МОСКВАНИНГ МАРКАЗИЙ КЎЧАЛАРИДА ЮРТИМИЗ ТУРИЗМИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА



*Россия пойтахти Москва шаҳрининг марказий кўчаларидаги йирик экранларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган видеолавҳалар намойиши йўлга қўйилди.*

Мамлакатимизнинг Россиядаги элчихонаси томонидан илгари сурилган ушбу лойиҳа юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни тарғиб қилиш ва сайёҳларни Ўзбекистонга кенг жалб этишга қаратилгани билан эътиборга молик.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари маданий меросини тарғиб қилиш мақсадида дипломатик миссия ва Москва шаҳар мэрияси томонидан ушбу видеолавҳаларни аҳоли гавжум жойларда намойиш этиш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳа Москва шаҳар ҳукуматининг реклама тарқатиш масалалари бўйича идоралараро комиссияси томонидан маъқулланган ва тегишли қарор қабул қилинган. Унга кўра, Ўзбекистон элчихонаси томонидан тақдим этилган видеолавҳалар Москва шаҳридаги саккизта йирик экранда жорий декабрь ойи давомида 24/7 тартибида намойиш этилади.

**«Дунё» АА.**
Москва

# ЖАДИД БОБОЛАР ҲАЁТИ ВА ЖАСОРАТИ

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАШГА ДОИМ ДАЪВАТ ЭТИБ ТУРАДИ

1

Шу нуқтаи назардан қараганда, тараққийпарвар аждодларимизнинг илғор ғоя ва қарашларини тадқиқ қилиш ва тизимлаштириш, Туркистон жадидларининг миллий давлатчилик ривожидаги ўрни ва таъсирини ўрганиш, XX асрнинг биринчи чорагида улар томонидан барпо этилган давлат тузилмаларининг қонунчилик базасини таҳлил қилиш, дунёвий, ҳуқуқий ва демократик жамият қуришга қаратилган фаолиятига тарихий баҳо бериш, янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессансни бунёд этишда ушбу мероснинг мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқ масалалар мазкур конференциянинг асосий муҳокама мавзулари этиб белгиланганлиги алоҳида аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда бугун ўтмиш воқелигини чуқур ўрганиб, истиқлол ва тараққиёт йўлида жон фидо қилган аждодларимиз номини оқлашга — тарихий адолатни тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон Олий суди томонидан мустабид тузум қатағонига учраган 1030 дан зиёд ватандошларимиз номи оқлангани сўзимиз исботи.

Дарҳақиқат, бугун ана шу қатағон даврининг фожиаларини “мутлақо махфий” тамғаси остида сақлаб турган пўлат сандиқлар бирма-бир очилмоқда, мустабид тузумнинг мудҳиш қиёфаси йиллар сарғайтирган ҳужжатларда намоён бўлмоқда.

Бу борада Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи ишчи гуруҳи аъзолари туну кун меҳнат қилиб, ана шу ҳужжатларни ўрганган ҳолда, манфур сиёсат қурбонлари — миллатимизнинг илғор вакиллари сифатида қатағонга учраган инсонлар тақдирини холисона ёритиб келмоқда.

Ана шундай юртдошларимиздан бири — наманганлик Бўтабой Дадабоев эди. 1917 йил инқилобидан кейин ҳокимият тепасига келган большевиклар томонидан Бўтабой Дадабоев рус тилида ёзув-чизувни яхши биладиган саводли, серғайрат ходим сифатида Фарғона вилояти Ер ишлари қўмитасига аъзо қилиб олинади.

Тарихий ҳужжатларни кўздан кечирар экансиз, баъзан бир-бирига қарши кўрсатма берган кишиларнинг исм-фамилияси ҳам учрайди. Уларнинг қайси бири қўрқоқ ва сотқину, қайси бири айбсиз эканини тезда англаб ололмайсиз. Бўтабой Дадабоев фаолияти шу маънода ғоят мураккаб бўлиб, у ҳақда бирдан ҳукм-хулоса чиқариш осон эмас. У 1923 йил 14 апрелдан 1924 йил 8 январга қадар Туркистон Республикаси юстиция халқ комиссари лавозимида ишлаганлардан ўнинчиси ҳисобланади. Б. Дадабоев бир вақтнинг ўзида республика прокурори бўлиб ҳам фаолият кўрсатган.

1923 йилнинг август-сентябрь ойларида Туркистон Республикаси Марказий ижроия қўмитаси раиси вазифасида ҳам вақтинча ишлайди. 1924 йилнинг февралидан бошлаб Республика ер ишлари бўйича комиссарининг биринчи ўринбосари ва шу комиссариат қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи сифатида иш олиб боради. 1924 йилнинг охиридан бошлаб Тожикистон Республикасини ташкил этиш ва у ерда раҳбарлик фаолиятини йўлга қўйиш ишларида қатнашади. Ҳужжатларда қайд қилинишича, у ўз фаолиятини миллатга содиқ кадрларни кўпайтириш, уларни партия ва совет аппаратига жойлаштиришга сафарбар этган.

Хўш, унда совет тузумига хиёнат қилган киши сифатида қатл этилган Бўтабой Дадабоевнинг айби нимада?

Тарихий манбаларда қуйидагилар баён қилинган: 1937 йилнинг фожиали воқеалари доирасида миллий республикаларнинг жуда кўплаб раҳбарлари қатори Бўтабой Дадабоевнинг ҳам яқин ўтмишда аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлгани “ошкор” бўлиб қолади ва у партия сафидан ўчирилади. Кўпчилик сафдошларининг аянчли тақдирига гувоҳ бўлган Бўтабой Дадабоев то қамоққа олингунига қадар ўзга юртларда яшириниб юради. 1937 йил 31 августда уни Ашхобод шаҳрида қўлга олишади.

15 кун давомида қийноқ исканжасига солинган Б. Дадабоев турли азобларга гирифтор қилинади. Охири қийноқ азоблари унинг иродасини синдиради, у ҳар қандай кўрсатма беришга мажбурланади. Б. Дадабоевнинг “дело”сидаги тергов ҳужжатларида ва 2-ранг хавфсизлик комиссари Л. Бельскийга ёзган иқрорнома хатида жаллодлар қайси исм-фамилияни қўшган бўлса, уларнинг ҳаммасини ўз сафдошлари сифатида ошкор этади.

Эътибор беринг, наҳотки, ўз халқининг мустақил бўлишини орзу қилган, унинг раҳбарларидан бири бўлган киши шунчалик хиёнат кўчасига кирган бўлса? Бироқ қатағон тегирмонининг ишлаш усулидан, совет “гестапочи”ларининг қамоқхона ичида маҳбусларга нисбатан ёвузликлари ва шафқатсизлигидан бохабар тарихчилар 1937-1938 йилларга оид бу каби сохта сўроқнома ва иқрорномалар қандай қийноқлар эвазига қўлга киритилганини яхши билишади.

Жазо ташкилотлари ўз мақсадларига эришиш, ваҳшийликларини яшириш, қабиҳ ишларини ниқоблаш мақсадида сурункалаб, соатлаб оёғидан осилиб, калтакланган, ухламаган, чалажон ва қарийб беҳуш маҳбусларга ўзлари тўқиб чиқарган уйдирма, иқрорномаларга имзо чектириш санъатини пухта эгаллабгина қолмай, уларни сафдошларию авлодлар олдида ҳам бадном этиш йўлларини яхши билган.

Бўтабой Дадабоев “иши”га доир тергов ҳужжатларида келтирилишича, ўша пайтда миллатпарвар зиёлилар томонидан Туркистонни совет давлати чангалидан ажратиб олиш мақсадида “Иттиҳод ва тараққий” ташкилоти тузилган бўлиб, унга Турор Рисқулов, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Саъдулла Турсунхўжаев, Низомиддин Хўжаев, Юсуф Алиев, Али Расулов раҳбарлик қилишган. Ўзбекистон КП(б) Марказий қўмитаси котиби Акмал Икромов, Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси Файзулла Хўжаев, Ер ва сув ишлари халқ комиссари Рустам Исломов ва бошқа йирик раҳбарлар хайрихоҳлик кўрсатишган. Туркистон АССР Марказий Ижроия қўмитаси раиси Иномжон Хидиралиев мазкур ташкилотга Бўтабой Дадабоевни ҳам жалб этган. Ташкилотнинг асосий мақсади Туркистон ҳудудида ягона миллий давлатни барпо этиш эди.

Тергов материалларида қайд қилинишича, Б. Дадабоев “босмачилик ҳаракатини ҳар қандай йўл билан қўллаб-қувватлашга, ҳатто уларга қурол-яроғ етказиб беришга уринган”. “Иттиҳод ва тараққий” ташкилоти аъзоси сифатида миллий бирликка эришиш, совет ҳукумати хоҳишига зид равишда бой хўжаликларнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, қишлоқнинг синфий табақалашувига қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилган.

...Собиқ иттифоқ Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессияси раиси, ҳарбий юрист Алексеевнинг 1938 йил 4 октябрда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари давлат хавфсизлиги майори Дереник Апресянга йўллаган расмий талабномаси қўлимизда. Унда 1938 йил 4 октябрда собиқ иттифоқ Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр йиғилиши томонидан 51 маҳбус олий жазога — отувга ҳукм этилгани таъкидланиб, ҳукм ижросини зудлик билан таъминлаш талаб қилинган. 51 маҳбус номма-ном келтирилган. Д. Апресян бу хатдаги талабномани ижро этиш вазифасини давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Шишкин зиммасига юклаш ҳақида резолюция қўйган. Ўша куниёқ ҳукм ижро этилиб, бу ҳақда далолатнома тузилган.

Ўша қатағон қилинган 507 нафар ўзбекистонлик қаторида республика прокуратураси тизимида хизмат вазифасини бажарган инсонлардан Бўтабой Дадабоев, Юнус Наримонов, Алланазар Пирназаров, Абдувоси Юсупов, Сафарбой Нуржонов, Айтжон Бекмуротовнинг исм-фамилиялари ҳам ўрин олган.

Ҳа, кўҳна тарих шундай разилликларга кўп маротаба гувоҳ бўлган. Шунинг учун ҳам совет жазо органлари чиғириғидан ўтказилиб, қатағон қилинган ёки қийноқлардан омон қолган инсонларга баҳо беришда шошмаслик, эҳтиёткорлик ва синчковлик билан иш тутиш мақсадга мувофиқ.

Умид қиламизки, Ватанимизнинг ҳур ва озод кунларга етишини орзулаган, бу борада мардона курашганларга кўмак берган, уларни қўллаб-қувватлаган чустлик арбоб Бўтабой Дадабоев каби миллат фидойиларининг тақдири бундан буён ҳам тарихчиларимиз томонидан ўрганилади ва бу мустақил Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодга сабоқ бўлади. Президентимиз таъбири билан айтганда, уларнинг ҳаёти ва жасорати бугунги тинч ва осойишта кунларга осонлик билан эришилмаганини эслатиб, миллий истиқлолимизни, жонажон Ватанимизни кўз қорачиғидек асрашга доимо даъват этиб туради.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,**
**Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи раҳбари, тарих фанлари доктори, профессор.**

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ҒОЯСИНИНГ ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

*Пойтахтимизда юртимизда илк бор ташкил этилган “Ренессанс” миллий мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда қатор вазирлик ва ташкилотлар ходимлари, журналистлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.*

### Танлов

Мазкур тадбир Ўзбекистон миллий медиа ассоциациясининг 20 йиллигини нишонлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларини қўллаб-қувватлаш, журналистика соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган ижодкорларни эътироф этиш, муносиб баҳолаш мақсадида ассоциацияга аъзо телерадиоканаллар журналистлари ўртасида илк бор ташкил этилди.

— Мамлакатимизда эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини қуриш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жаҳон ареналарида, турли халқаро рейтингларда ўз аксини топмоқда, — деди ассоциация раиси Шерзодхон Қудратхўжа. — Ўтган йиллар мобайнида ахборот ва медиа соҳасини жадал ривожлантириш борасида зарур қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. 2003 йилда иш бошлаган Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси негизида 2022 йили қайта ташкил этилган Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси фаолиятига 20 йил тўлди. Ўтган йиллар давомида ассоциация томонидан аъзо теле ва радиоканаллар аудиториясини янада кенгайтириш, уларнинг фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, журналист ва мухбирларнинг малака-кўникмаларини, шунингдек, медиасаводхонлигини ошириш, қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб самарали ишлар бажарилди. Аминманки, журналистларимиз бундан буёғига янада фаол бўлишади, чунки қилинган меҳнатлар назардан четда қолаётгани йўқ.

Маросим давомида янграган турли куй-қўшиқлар даврага ўзгача шукуҳ бағишлади.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғоясини тарғиб этиш мақсадида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, телерадио лойиҳаларни амалга оширган фаол ижодкорлар тузилманинг махсус статуэткаси, фахрий ёрлиғи ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

— Бугуннинг одами тез ва сифатли ахборот олишни истайди, бу йўлдаги юк, албатта, журналистнинг гарданига тушади, — дейди “Энг яхши ахборий теледастур журналисти” номинацияси ғолиби Жаҳонгир Олимов. — Бугуннинг журналисти бунга эришиш учун эса ўз устида кўп ишлаши лозим. Кўплаб ҳамкасбларим қаторида юртимизнинг жонкуяр журналистлари сафидан жой олганимдан хурсандман. Бу рағбат ва ишонч зиммамиздаги масъулиятни янада оширади, олдингидан ҳам кўпроқ меҳнат қиламиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби Шерзод Асадов, Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев ҳамда Бош вазир ўринбосари Зулайҳо Маҳкамова иштирок этди.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**КЎРГАЗМА**

# Дипломатия тарихидан ҳикоя қилувчи ижод маҳсули

*Самарқанд вилояти бадиий ижодкорлар уюшмасининг кўргазмалар залида “Усмонийлар империясида дипломатия ва меҳмондорчилик” мавзуида фотокўргазма очилди.*

У Туркия Республикаси ташкил этилганининг 100 йиллиги муносабати билан ушбу давлатнинг Самарқанд шаҳридаги бош консуллиги билан ҳамкорликда тайёрланди.

Мазкур кўргазма каталогини Усмонийлар дипломатияси тўғрисидаги манбаларни жаҳон меросига ҳадя этиш ва замонавий Туркия дипломатияси анъаналарини ёритиш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятга эга ижод маҳсули, дейиш мумкин. Чунки кўргазма Усмонлилар империяси ўзидан олдинги турк-ислом давлатларидаги мавжуд дипломатик расм-русумни давом эттирган ҳолда мамлакатлар билан муносабат ўрнатиш жараёнида баъзи янгиликлар жорий қилиб, ўзига хос дипломатия яратгани ҳақида ҳам сўзлайди.

Фотокўргазмага қўйилган тарихий суратларда Усмонийлар империяси ташкил топганидан XIX асргача бўлган дипломатик алоқалар ҳамда сиёсий фаолият акс этган. Хусусан, ўша асрда турли мамлакатлардан йирик сулолалар вакиллари, давлат арбоблари, Франция, Япония, Германия, Эрон ҳукмдорларининг Истанбулга ташрифлари тафсилоти ёзма ва кўргазмали ҳужжатлар ёрдамида баён қилингани барчада катта таассурот қолдирди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

РЕКЛАМА

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби магистратурасига 2023/2024 ўқув йили учун қишки қабул бошланди.

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби 2023/2024 ўқув йили учун тўлов-шартнома асосида кундузги ва сиртқи таълим шаклларига: “Глобал менежмент”, “Молия” соҳалари бўйича Бизнесни бошқариш (MBA) ва Лойиҳа бошқаруви (PM) магистратура мутахассисликларига қишки қабул эълон қилмоқда.***

Магистратурага кириш истагини билдирган номзодлар олий мактаб қабул комиссиясига махсус саҳифа http://e-tinglovchi.gsbe.uz орқали олий мактаб директори номига қуйидаги ҳужжатларнинг нусхаларини илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат этади:

давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари биринчи раҳбарларининг имзоси қўйилган тавсия хати;

олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

паспорт ёки ID карта (имтиҳон вақтида асл нусхаси тақдим этилади);

инглиз тилини билиш даражасини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат (агар мавжуд бўлса).

Магистратурага кириш имтиҳонларидан (суҳбат ва тест) муваффақиятли ўтган номзодлар юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг аслини ёки уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларини олий мактабга тақдим этади.

**Номзодларга қўйиладиган талаблар:** олий маълумотга ва олий таълим муассасасини тамомлагандан кейин камида **уч йил** иш стажига эга **45 ёшгача** бўлган (ўқитишнинг фақат кундузги шаклига) номзодлар суҳбат ва тест синовлари натижалари бўйича очиқ танлов асосида қабул қилинади.

Магистратурага кириш учун ҳужжат топшириш муддати (даври) 2023 йилнинг 15 декабридан 2024 йилнинг 15 январигача.

Ўқишга ҳужжат топшириш фақат электрон шаклда олий мактабнинг http://e-tinglovchi.gsbe.uz махсус саҳифаси орқали ҳар куни 24 соат мобайнида амалга оширилади.

**Маълумот учун телефонлар: 71-2390317, 71-2390315.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 25-уй.**

## «Уз-Донг Жу Пэинт Компани» МЧЖ ҚКнинг ижроия органи, яъни корхона директори ва унинг ўринбосари лавозимига танлов ўтказилмоқда

УНДА ҚАТНАШИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРГАН НОМЗОДЛАР ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИГА МУРОЖААТ ЭТИШЛАРИ МУМКИН.

1. Номзод объективкаси.

2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасасининг бакалавр дипломи ёки хорижда олий таълим олганлиги ҳақида бакалавр дипломи.

3. Магистр дипломи ёки хорижда олий таълим олганлиги ҳақида магистр дипломи.

4. Илмий унвони (фан номзоди, фан бўйича фалсафа доктори, фан доктори) ва илмий даражани (доцент, катта илмий ходим, профессор) тасдиқловчи ҳужжати.

5. Қўшимча олий маълумот олганлиги (иккинчи, учинчи) ҳақидаги диплом.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига кўра лавозимга тайинланганлиги бўйича ҳужжат.

7. Давлат ташкилотларининг маъмурий-бошқарув лавозимларида иш тажрибаси.

8. Тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижобий тавсияномалар мавжуд бўлган тақдирда.

9. Хорижий мамлакатларда раҳбарлик лавозимларида (директор, директор муовини, менежер, супервайзер) иш тажрибаси ёки хорижий юрисдикциядаги масалаларни ҳал қилишнинг амалий тажрибаси. Ижобий тавсияномалар мавжуд бўлса.

10. Танлов эълон қилинаётган соҳадаги раҳбарлик тажрибасини (бошқарув раиси/директор, бошқарув раиси/директор ўринбосари ёки раҳбарлик лавозимига тенглаштирилган лавозимлар (бош муҳандис, бош механик, бош иқтисодчи, бўлим/цех бошлиғи ва бошқ.) тасдиқловчи ҳужжатлар.

11. Хўжалик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларида ишлаш тажрибасини (узоқ йиллардан буён ишлаганлиги) асослантирувчи ҳужжатлари.

12. Хўжалик жамиятлари Кузатув кенгаши аъзоси сифатида иш тажрибаси.

13. Давлат назорат органи ходими, судья, Қонунчилик палатаси депутати ёки Сенат аъзоси сифатида бир йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси.

14. Хорижий тиллардан (рус, инглиз, корейс, немис, француз тиллари) бирини мукаммал билиши, қолганларидан иккитаси ёки ҳаммасини билиши.

15. Амал қилиш муддатига эга корпоратив бошқарувчи малака аттестати мавжуд бўлган тақдирда.

16. Қимматли қоғозлар бозори мутахассиси, аудитор, суғурталовчи, баҳоловчи, суд бошқарувчиси малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи амал қилиш муддатига эга ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда.

17. Компьютер билимдонлик — “МС Оффисе”, “МС Эхсел” — ишончли фойдаланиш.

18. Ҳужжатлар ёпиқ конвертда комиссия аъзоларига 2023 йил 30 декабрга қадар тақдим этилади.

(Аризаларни қабул қилиш вақти соат 9:00 дан 18:00 гача).

**Мурожаат учун телефонлар: 74-223-25-06, 74-223-21-72.**
**Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 126-уй, Кенгашлар уйи биноси, 4-қават, 402-хона.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 672 нусхада босилди, ҳажми —2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6